

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**«ВАТАН ТАЯНЧИ» БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6260-сон **Фармони** ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини (кейинги ўринларда — «Ватан таянчи» ҳаракати) ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаларида бошқарма бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларида бўлим бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Ватан таянчи» ҳаракатининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўсиб келаётган ёш авлодни Ватан тақдирига дахлдорлик, маънавий-ахлоқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда қонунларимизга нисбатан юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш;

эркин фикрлайдиган, мустақкам билимли, жамиятда муносиб мавқеини эгаллаш қобилиятига эга, мустақил қарор қабул қилишга қодир, мамлакатининг, халқи ва ўз оиласининг фаровонлиги ва янада ривожланиши орзусида бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

ўқувчи-ёшларни тузилаётган отряд атрофида бирлаштириш ва жипслаштириш, улар орасида ҳарбий-ватанпарварлик, ўқув-тарбиявий тадбирларни амалга оширишда асосий ташкилотчи сифатида фаолият юритиш, ўқувчиларда ўқиш ва интизом бўйича юқори натижаларга эришишга иштиёқни уйғотиш ҳамда уларга ўрнатилган бўлиш учун фаол ҳаракат қилиш;

давлат умумтаълим мактаблар ўқувчиларини одоб-ахлоқ, Ватанга садоқат ва ўзига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш, ўқиш, интизоми ва жисмоний кўрсаткичлари паст ўқувчиларга юқори натижаларга эришишда кўмаклашиш;

давлат умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

ўқувчиларни турли хавфли ғоялар ва ташқаридан «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати давлат муассасаси бўлиб, унинг асосий таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳисобланади;

«Ватан таянчи» ҳаракати ўз мақомига, Қуролли Кучлар хизматчилари (ҳарбий хизматчилар) меҳнатига ҳақ тўлаш (пул таъминоти) шартларига кўра давлат бошқаруви органи — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппаратининг мустақил бўлимига тенглаштирилади;

«Ватан таянчи» ҳаракати ходимларининг асосий таркиби Мудофаа вазирлиги қўшинлари умумий чекланган штат бирликлари доирасида ташкил этилади;

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари «Ватан таянчи» ҳаракати фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

«Ватан таянчи» ҳаракатининг Қуролли Кучлар хизматчилари (ҳарбий хизматчилар) меҳнатига ҳақ тўлаш (пул таъминоти) Мудофаа вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

«Ватан таянчи» ҳаракатининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилади;

давлат умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси раҳбарлигида таркиби 20 нафар 10-11-синф ўқувчиларидан иборат бўлган «Ватан таянчи» отрядлари тузилади ва уларнинг фаолияти «Ватан таянчи» ҳаракати томонидан мувофиқлаштириб борилади;

«Ватан таянчи» отрядларига давлат умумтаълим мактаблари ўқувчилари ихтиёрийлик асосида аъзо бўлади;

«Ватан таянчи» ҳаракати ҳузурида Васийлик кенгаши, унинг ҳудудий бўлимлари ва бўлинмалари ҳузурида эса мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилади, уларнинг таркибига Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вакиллари киритилади.

4. «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг ташкилий тузилмаси **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича дастурлар, «йўл хариталари» доирасида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар;

«Ватан таянчи» ҳаракатининг вақтинча бўш маблағларини давлат улуши бўлган тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушадиган тушумлар;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, шунингдек, бошқа хорижий донорларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

а) «Ватан таянчи» ҳаракатининг алоҳида ҳисобварағида жамланади;

б) қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

ўқувчи ёшларга ҳар томонлама таълим-тарбия бериш мақсадида умумтаълим мактабларда амалий ва техник йўналишдаги тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш;

«Ватан таянчи» ҳаракатини сақлаш, унинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

давра суҳбатлари, конференциялар, амалий машғулотлар, тренинглар, шунингдек, маданий-маърифий, оммавий-маданий ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари билан биргаликда:

давлат умумтаълим мактабларида «Ватан таянчи» отрядлари фаолият юритиши учун тегишли шарт-шароитларни яратсин ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб борсин;